



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки


**Марказий банк бошқаруви  
асосий ставкани йиллик 14 фоиз  
даражасида ўзгаришсиз қолдириш  
бўйича қарор қабул қилди**

**Матбуот анжумани**


2022 йил 20 январь




## Инфляция даражаси 10 фоизлик таргетга етди



## Озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгариши





## Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўсиши секинлашди




2021 йилнинг декабрь ойида жаҳонда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг (ФАО индекси) ойлик ўсиш **0,9 фоизгача** секинлашди, йиллик ҳисобда эса нархларнинг ўсиши **23,1 фоизни** (2020 йилда - 7,5 фоиз) ташкил этди.

## Базавий инфляция барқарор пасайиб бормоқда




2021 йилда базавий инфляция кўрсаткичи пасаювчи тенденцияда шаклланган бўлиб, декабрь ойи якуни бўйича **йиллик 8,8 фоизга** тенг бўлди. Бунда, базавий инфляциянинг умумий инфляцияга ҳиссаси йил бошидаги **9,2 фоиз** банддан **6,7 фоиз** бандгача пасайди. Базавий инфляциянинг пасайиб бориши **умумий инфляциянинг ҳам келгуси пасайишларига** (вақтинчалик омиллар таъсирининг тугаши ҳисобига) бўлган ишончни оширади.




## Инфляцион кутилмалар

## Сезилган инфляция даражаси



## Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари тикланди



2021 йилда ялпи ички маҳсулотнинг **реал ўсиши** 2020 йилга нисбатан **7,4 фоизни** ташкил этди. Шундан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш **8,7 фоизга**, хизмат кўрсатиш **19,2 фоизга**, қишлоқ хўжалиги **4,0 фоизга** ва қурилиш ишлари **6,8 фоизга** ўсди.


## Иқтисодиётга ажратилган кредитлар

Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил
<b>Ажратилган кредитлар (трлн. сўмда)</b>	<b>134,7</b>	<b>127,3</b>	<b>166,7</b>
Ўзгариши, фоизда (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)	31,7%	-5,5%	31,0%
Шундан, хорижий валютада ажратилган кредитларнинг улуши (фоизда)	40,0%	37,9%	38,6%

2021 йил давомида тижорат банклари томонидан жами **166,7 трлн. сўмлик ёки** 2020 йилга нисбатан **31 фоизга** (39,4 трлн. сўмга) кўп кредитлар ажратилди. Шундан, **хорижий валютада** ажратилган кредитларнинг улуши **38,6 фоизни** ташкил этди.

## Жаҳон иқтисодий фаоллигининг ўзгариши


## **2021 йил учун ишбилармонлик фаоллиги индексининг ойлик ўзгариши**




2021 йил бошидан жаңон иқтисодиёти бүйича **ишбилармонлик фаоллиги индексида** **үсиш тренди** кузатилган бўлса, пандемия **навбатдаги тўлқинининг** кучайиб бориши билан июнь ойидан бошлаб аксарият давлатларда индекс қиймати пасая бошлади. Йилнинг сўнгги 2 ойида эса иқтисодий фаолликнинг бирмунча тикланиши кузатилди.

## Коронавирус янги штамми “Омикрон”нинг тезкор тарқалиши жаҳонда пандемик вазиятнинг кескин ёмонлашишига сабаб бўлмоқда

**Вируснинг янги тўлқини**  
(2022 йил 18 январь ҳолатига)




**Айрим давлатларда вакцинация даражаси**  
(2022 йил 18 январь ҳолатига)




# Асосий савдо ҳамкорларимизда ижобий реал иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари кутилмоқда

## ХВЖ прогнозлари



## Жаҳон Банки прогнозлари



*Манба:* Жаҳон иқтисодий истиқболлари, ХВЖ,  
2021 йил октябрь.

*Манба:* Жаҳон иқтисодий истиқболлари,  
Жаҳон Банки, 2022 йил январь.

## Ташқи савдо амалиётлари


(млн. АҚШ доллар)

Давр	Экспорт ҳажми (олтинни ҳисобга олмагандан)	Импорт ҳажми
2021 йил	<b>12 501</b>	<b>25 461</b>
2020 йил	9 298	21 154
2019 йил	12 540	24 292


*Манба:* Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2021 йилда экспорт ҳажми (олтинни ҳисобга олмагандан) 12,5 млрд. долларни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **34,4 фоизга** ортиқни ташкил этган бўлса, импорт ҳажми **25,5 млрд.** долларга (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **20,4 фоизга** ўсган) тенг бўлди.

Трансчегараий пул ўтказмалари  
(млн. доллар)




Аҳоли билан валюта амалиётлари  
(млн. доллар)




2021 йилда мамлакатимизга трансчегараий пул ўтказмалари ҳажми **8,1 млрд. долларни** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **34 фоизга** ортиқни ташкил этди.

## Сўмнинг алмашув курси динамикаси



Юқоридаги омиллар, ўз навбатида, ички валюта бозорида таклиф ҳажмининг барқарор бўлиши ва миллий валюта курси шаклланишида муҳим рол ўйнади. 2021 йил давомида сўм алмашув курси **10 449-10 849 сўм/АҚШ доллари** оралиғида тебраниб турди (йиллик қадрсизланиш **3,4 фоиз**).

## UZONIA (1 кунлик) ва UZWIA (2-7 кунлик) индекслари




Марказий банк операцион механизмидаги ўзгартиришлар ҳисобига “Uzonia” ва “Uzwia” индекслари август ойидан бошлаб фоиз коридори доирасида шаклланниб келмоқда. Бунда, “Uzonia” асосан 13 фоиз атрофида, “Uzwia” эса айрим тебранишлар билан асосий ставкага яқинроқ шаклланмоқда.

## Банклараро пул бозори




2021 йил давомида пул бозорида жами **100,4 трлн. сўмлик**, яъни 2020 йилдагидан қарийб **2 баробар** кўп операциялар амалга оширилди. IV чорақда пул бозорининг ўртача фоиз ставкаси **13,1 фоизни** ёки асосий ставкага нисбатан **0,9 фоиз бандлик** тафовутни ҳосил қилди ва бу банк тизимида **умумий ликвидлик ҳажмининг юқорилиги** билан изоҳланади.

## Марказий банкнинг пул-кредит операциялари



Умумий ликвидлик даражасининг ортиши сабабли РЕПО ва СВОП операцияларига талаб кескин қисқариб, **депозит операцияларига талаб ортиб борди**. Бунда, 5 августдан овернайт депозит операциялари бўйича лимитлар бекор қилинган бўлиб, IV чоракда **кунлик ўртача овернайт депозит операциялари ҳажми 2,4 трлн. сўмни ташкил этди**.

## Марказий банк облигациялари ҳажми ортмоқда



- Банк тизимидағи қўшимча ликвидликни жалб этиш мақсадида IV чорақда **10,2 трлн.** сўмлик ва 2021 йилда жами **24,2 трлн.** сўмлик Марказий банк облигациялари муомалага чиқарилди. 2022 йил 1 январь ҳолатига муомалада **12,1 трлн.** сўмлик Марказий банк облигациялари мавжуд.

## Депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалари



## Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари




2021 йил декабрда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **20,2 фоизни**, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича эса **15,1 фоизни** ташкил этди.

Инфляция даражасини инобатга олганда депозитларнинг реал фоиз ставкалари жисмоний шахсларда **9,3 фоизга** ва юридик шахсларда **4,7 фоизга** тенг бўлди.

## Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалари



## Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалари



2021 йил декабрда кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг олдинги ойларга нисбатан сезиларли ўзгариш кузатилмади ҳамда қисқа муддатли кредитлар бўйича **21,2 фоизни** ва узоқ муддатли кредитлар бўйича **20,5 фоизни** ташкил этди.

Ўз навбатида, жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари декабрь оида мос равишда **20,8** ва **20,7 фоизга** тенг бўлди.


## 2022 йилда кутилаётган инфляцион хатарлар

- ❖ асосий савдо-ҳамкор давлатларда истеъмол ва **ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг юқори** даражада шаклланганлиги (*импорт инфляцияси орқали ички нархларга таъсир*);
- ❖ глобал инфляцион жараёнлар шароитида етакчи марказий банкларнинг **пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириб бориши** ва бунда ривожланаётган давлатлар алмашув курсига босимнинг вужудга келиши;
- ❖ коронавируснинг **янги штаммлари тарқалиши** ва карантин чекловларининг кучайиши таъминот занжири ҳамда етказиб беришдаги узилишларнинг узоқроқ муддат давом этиши, савдо ҳамкорлар томонидан асосий истеъмол товарлари экспортiga нисбатан чекловларни киритилиши;
- ❖ ёқилғи ресурслари нархининг юқорилиги транспорт ва логистика хизматлари нархига **оширувчи босимнинг** сақланиб қолиши.


## 2022 йилда инфляцияни пасайтирувчи омиллари

- ❖ пул-кредит сиёсатининг амалдаги нисбатан қатъий шароитларининг сақланиб қолиниши;
- ❖ умумий фискал тақчилликнинг ЯИМга нисбатан 3 фоизгача камайтириш бўйича амалга ошириладиган чоралар;
- ❖ аҳолининг жамғаришга бўлган кайфиятининг шаклланиб бориши ва бунда мавжуд бўш пул маблағларининг банк депозитларига йўналтирилиши;
- ❖ кредитлаш ҳажмлари ўсишининг номинал ЯИМ ҳажми ўсишига мутаносиб бўлиши;
- ❖ истеъмол бозорларида рақобат шароитларини яхшилаш ҳамда нархлар ўсишининг номонетар омилларини камайтириш бўйича кўрилаётган чоралар.

## 2022 йил учун инфляция прогнози: 8-9 фоиз



## 2022 йил учун иқтисодий ўсиш прогнози: 5,5-6,5 фоиз





Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

**Марказий банк бошқаруви  
асосий ставкани йиллик 14 фоиз  
даражасида ўзгаришсиз қолдириш  
бўйича қарор қабул қилди.**

**Матбуот анжумани**

2022 йил 20 январь

